

1 – масала

“2011-2012 ўқув йили якунлари ва 2012-2013 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2012 йил 6 декабр 2/1 сонли қарори

Илмий кенгаш “2011-2012 ўқув йили якунлари ва 2012-2013 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан институт ректори **С.И.Ахмедовнинг** маърузасини тинглаб, муҳокама этиб, қуйидагиларни таъкидлайди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг олий ва ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштиришга оид Фармон ва қарорларидан келиб чиққан ҳолда 2011-2012 ўқув йилида институтда маълум ишлар амалга оширилди.

Ватанпарварлик, мафкуравий – ҳуқуқий тарбия, соғлом турмуш тарзи фалсафасини шакллантириш ва жисмоний тарбия, ёшларни касб маънавияти ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, миллий кадриятлар, аждодларимизнинг бой маданий меросини тарғиб этиш, миллий байрамлар ва буюк аждодлар таваллудини нишонлаш мавзуларида **50 дан зиёд** давра суҳбатлари, учрашувлар, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва ота-оналар иштирокида **20 га яқин тадбирлар ўтказилди.**

Ўтган 2011-2012 ўқув йилида **23 та** бакалавр таълим йўналишлари ва **11 та** магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш амалга оширилди.

Бакалаврият бўйича қабул режаси **875 та** ўрин эди, шундан **816** нафар абитуриент талабалikka қабул қилинган, натижада давлат қабул режаси **59** нафарга тўлмай қолган. Магистратура мутахассислиги бўйича қабул режаси **64 та** ўрин эди, шундан **38** нафар талаба магистрликка қабул қилиниб, **26 та** бўш ўрин бажарилмай қолинган.

Институтда ўқув жараёнини ташкил этиш институтнинг 4 та факультети ва 26 та кафедралари томонидан амалга оширилди.

Ўтган ҳисобот йилида талабалар контингенти **2992 кишини** ташкил этиб, шундан **2887 нафари** бакалаврият, **105 нафари** магистратура талабалари эди. Шулардан 481 нафар бакалавр ва 65 нафар магистр институтни битирди.

Профессор-ўқитувчилар **316 штат** бирлигини ташкил этиб, 331 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатди. Шу жумладан илмий унвон ва илмий даражали профессор-ўқитувчилар **156 нафарни**, яъни илмий салоҳият **47,0 %** ни ташкил этади. Бу кўрсаткич охириги йилларда **камайиш тенденциясини олган.**

2011-2012 ўқув йилида **481 нафар** бакалаврлар битирган бўлиб, шундан **177 нафари** давлат гранти асосида, **304 нафари** тўлов-контракт асосида, **10 та** мутахассислик бўйича **65 нафар** магистр, шундан **10 нафари** давлат гранти асосида, **55 нафари** тўлов-контракт асосида битиришган.

Ўтган ўқув йили битирувчиларнинг бандлик кўрсаткичи **95,3 %** ни ташкил қилмоқда.

2011-2012 йилларда институтда 12 мавзуда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Шунингдек институтда турдош таълим муассасалари билан ҳамкорликда **2 та Республика миқёсидаги** ва касб ҳунар коллежлари билан ҳақорликда **2 та** ёш олимлар, иқтидорли талабалар **ҳудудий илмий анжуманлари** ўтказилди. Институт талабалари 2012 йилда Республика фан олимпиадасида **4 та** ва бошқа турли хил танловларда **6 та** совринли ўринларни қўлга киритдилар. Жумладан, 1 нафар талаба **Беруний Давлат стипендияси**, 4 нафар талаба **Р.Р.Абдурасулов стипендияси**, 5 нафар талаба академик **Т.Ш.Ширинқулов стипендияси** соҳиблари бўлишдилар.

Институтда илмий педагогик кадрларни тайёрлаш 11 ихтисослик бўйича стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва 3 та ихтисослик бўйича катта илмий ходим изланувчилар тайёрлаш орқали амалга оширилмоқда. Ҳисобот даврида давомида институтнинг **6 нафар** илмий тадқиқотчи ходимлари номзодлик диссертацияларини муфафақиятли ҳимоя қилдилар.

Ўтган ўқув йилида АЛ ва КХК лар билан институт ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўқув жараёнининг ташкил этиш, ўқув-услубий ёрдам бериш бўйича тегишли ишлар олиб борилди, жумладан, “Тилларни ўрганиш”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Касбий таълим” кафедраларининг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан институтга бириктирилган АЛ ва КХК ларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог ходимларини билимларини ошириш бўйича **36 соатлик** Дастур асосида **ўқув курслари** ташкил этилди.

АЛ ва КХК ларида етишмаётган ўқув адабиётлари ўрнини тўлдириш мақсадида институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ўтган ҳисобот даврида коллеж ўқувчилари учун **6 та** услубий қўлланма, **10 та** услубий кўрсатмалар тайёрланиб, ўқув жараёнига жорий этилди. Бундан ташқари 2013 йилда вазирлик грифи билан нашр этиш режалаштирилган **6 та** ўқув қўлланмадан **4 таси** институт профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган.

2012 йилнинг 9 ойи давомида бюджет маблағлари ҳисобидан **2990,8 млн** сўм молиялаштирилди ва тадбиркорлик асосида **122,4 млн** сўм маблағ ишлаб топилди. Бюджетдан ташқари тушумлар асосини талабаларнинг пулли-контракт асосида ўқишдан тушган маблағлар ташкил этиб 2012-2013 ўқув йилида **8243,5 млн** сўм пул тушиши режалаштирилган.

2011 йилнинг 4-чорагида **110,0 млн** сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди, яъни институтнинг 1-талабалар турар жойи биносидаги санузеллар, ошхоналар, коридорларнинг электр қисмлари, коридор деворлари ва поллари, бинога кириш қисми фасади, талабалар турар жойи биносининг бир қаватли қисмида жойлашган АРМ филиалининг томи ҳамда талабалар турар жойи биносини иссиқлик билан таъминловчи ташқи трубалар капитал таъмирланди.

Қурилишни бошқариш, Қурилиш ва Архитектура факультети ўқув бинолари жорий таъмирланди. Институт ҳудуди девор билан ўраб олинди. Бюджет маблағлари ҳисобидан (**95,6 млн** сўм) бош ўқув биносининг 2 та хожатхона капитал таъмирланди. Бассейн ҳудудида янги ташқи хожатхона ишга туширилди ва 1-қозонхона томи капитал таъмирланди.

2011 йилининг 4-чорагида Вазирлик томонидан **28,3 млн** сўмлик ўқув мебеллари берилди. Институтга компьютер ва бошқа оргтехника харид этиш учун Вазирликнинг ривожлантириш жамғармасидан **100,0 млн** сўм маблағ ажратилиб, ушбу маблағ ҳисобидан **66 дона** компьютер ва бошқа оргтехника махсулотлари харид қилинди.

Куз мавсумига тайёргарлик режасига асосан бош ўқув биноси, Архитектура факультети ўқув биноси, хўжалик бўлими жойлашган бино 1-талабалар турар жойи биноларининг томлари капитал таъмирланди. Ушбу ишлар учун Вазирликнинг ривожлантириш жамғармасидан **120,0 млн** сўм маблағ ажратилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда

Илмий кенгаш қарор қилади:

- 1. “2011-2012 ўқув йили якунлари ва 2012-2013 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”**ги масала юзасидан институт ректори **С.И.Ахмедовнинг** ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Институтда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг “Одоб ахлоқ қоидалари”га тўлиғича амал қилишларига эришилсин. **Масуллер:** Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, Факультет деканлари ва кафедра мудирлари.
3. Талабалар турар жойида яшовчи талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ижтимоий-гуманитар кафедралардаги мавжуд тўғарақларнинг фаолиятини **2013 йил январ** ойдан талабалар турар жойида ҳам ташкил этилсин. **Масуллер:** Маънавий-маърифий ишлари бўйича проректор ва ижтимоий-гуманитар кафедралар мудирлари.
4. Ҳар бир кафедрада замонавий ўқув қўлланма, дарсликлар ва ўқув-услубий мажмуалар яратиш ишларининг ижроси таъминлансин ва дарс ўтишда мавжуд компьютер технологиялари билан жиҳозланган аудиториялардан максимал даражада фойдаланилсин. **Масуллер:** Ўқув ишлари проректори, факультет деканлари, кафедра мудирлари. **Муддат:** Ўқув йили давомида.
5. Мутахассис чиқарувчи кафедралар ҳамкорлигида 2012-2013 ўқув йилида давлат бюджети ҳисобидан ўқиган битирувчиларнинг барчаси иш ўринлари билан таъминланишига эришилсин. **Масуллер:** Факультет деканлари, махсус кафедра мудирлари, Маркетинг хизмати бўлими. **Муддат:** Ўқув йили давомида.
6. **2012-2013 ўқув йилидан** бошлаб институтнинг “Касбий таълим” йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг педагогик амалиётини фақат таянч АЛ ва КХКларида ўтишлари йўлга қўйилсин. **Масуллер:** Ўқув бўлими бошлиғи ва “Касбий таълим” кафедраси мудирлари.
7. АЛ ва КХКларга бириктирилган институт профессор-ўқитувчиларининг масъулияти оширилсин ва берилган вазифаларни бажаришда алоҳида жонбозлик кўрсатганлар моддий ва маънавий рағбатлантирилсин. **Масуллер:** Молия-иқтисодиёт ва АЛ ва КХКлари билан ишлаш бўйича проректорлар. **Муддати:** Ўқув йили давомида.
8. Институтда профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятни юқори кўтариш, илмий даражали ўқитувчилар таркибини ёшартириш мақсадида, махсус кафедраларда илмий иш билан шуғулланувчилар учун барча шароитларни яратиш чоралари кўрилсин. **Масуллер:** Илмий ишлар бўйича проректор, махсус кафедра мудирлари ва илмий раҳбарлар. **Муддати:** доимий.
9. Институт ҳудудидаги барча фойдаланилаётган биноларнинг том қисми замонавий томёпма материаллар билан таъмирлансин, биноларнинг тарновлари тўлиғича алмаштирилсин ва институтнинг асосий кириш дарвозаси капитал таъмирлансин. **Масуллер:** Молия ва иқтисодиёт ишлари проректори. **Муддати:** 2013 йил сентябр ойигача.
10. Институтнинг кичик фаоллар зали интерьерини замонавий лойиҳа асосида қайта таъмирлансин. **Масуллер:** Молия ва иқтисодиёт ишлари проректори. **Муддати:** ўқув йили охиригача.
11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш барча соҳалар бўйича проректорлар зиммаларига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

3 – масала

“Институтда ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ёзма оғзаки мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш ҳақида” ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2012 йил 6 декабр 3/1 сонли қарори

Илмий кенгаш “Институтда ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ёзма оғзаки мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш ҳақида” ги масала юзасидан Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Ҳ.Ғ.Хусановнинг** ахборотини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди:

Институтда 2012 йилнинг 9 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Олий ва ўрта-махсус таълим Ваъзирлигининг буйруқлари, хайъат қарорлари ва йўриқ хатларининг ўз вақтида қабул қилиниши ва ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқилишини тўлиқ таъминлаш, расмиятчилик ва масъулиятсизлик ҳолатлари ҳамда кўриб чиқиш муддатларининг асоссиз бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, мурожаатларининг кўпайиши сабабларини чуқур таҳлил қилиш, уларни камайтириш бўйича тегишли чоратadbирлар белгиланиб, ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан маълум ижобий ишлар амалга оширилди.

Лекин ҳозирги кунда ҳужжатларни қабул қилиб олишда фойдаланилаётган **“Ҳужжатлар назорати”** дастури маънавий эскирганлиги сабабли ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва ижрочиларга етказишда камчиликларга йўл қўйилмоқда.

2012 йил 9 ойи мобайнида институтга жами бажариш учун **689** та ҳужжат келган, шулардан **198 таси** Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги буйруқлари, **491 таси** модемограммалар шаклида келган йўриқ хатларидан иборат. Буйруқларнинг мониторинги натижасида, **50** таси ўқув ишлари проректори, **26** таси маънавият ва маърифат ишлари проректори, **11** таси илмий ишлар проректори, **16** таси академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар бўйича проректори, **33** таси молия ва иқтисод ишлари проректори, **8** таси ички назорат ва мониторинг бўлимига, **1** таси маркетинг хизматлари бўлимига, **1** таси институт архив мудирасига, **3** таси халқаро алоқалар бўлимига ва **49** таси ижросини таъминлаш мақсадида бошқа мутасадди шахсларга йўлланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 сентябрдаги 632-Ф-сонли Фармойиши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 28 сентябрдаги № 389 буйруғи ва 2012 йил 12 октябрдаги № 87-04-1106 сонли модемограммаларида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этишда баъзи бир бўлимлар камчиликларга йўл қўймоқда, яъни ўз ишларига совуққонлик билан қараб, келган ҳужжатларни ўз муддатидан кечиктириб бажармоқдалар. Шунингдек, назорат бўлимига тўлиқ маълумот тақдим этмаслик ҳолатлари юз бермоқда. Жумладан, III-чоракда ўқув ишларига 26 та буйруқ келиб тушган ва шундан **19 тасига**, молия ва иқтисод ишларига 14 та буйруқ келиб тушган ва шундан **8 тасига** муддатида институт **ички буйруғи чиқарилмаган** ҳамда буйруқлар ижроси тўғрисида маълумотлар назорат бўлимига **тақдим этилмаган**. Шу сабабли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этиладиган ҳисоботлар **кечиктирилиб, сифатсиз ва юзаки бажарилган**.

Вазирликнинг 2012 йил 9 июнь “Олий таълим муассасаларида ахборот коммуникация воситаларини кенг жорий этилишини янада жадаллаштириш тўғрисида” ги 228-сонли буйруғи бўйича институтда “Олий таълим муассасалари ягона электрон муҳитини яратиш” лойихаси доирасида ишлаб чиқилган ходимлар ва талабалар тўғрисида автоматлаштирилган маълумотлар базаси АТМ бўлимида охирига етказилмаган ҳамда вазирликнинг буйруғи ижроси бўйича ишлар талаб даражасида ташкиллаштирилмаган.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаши қарор қилади:

1. **“Институтда ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ёзма оғзаки мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш ҳақида”** ги масала юзасидан Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Х.Ғ.Хусановнинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқлари, Ҳайъат қарорлари, йўриқ хатларининг ўз вақтида қабул қилмаган ва ижросини белгиланган муддатида бажармаган мутасадди раҳбар шахсларга нисбатан қатъий интизомий жазо чораларини кўриш бўйича таклиф тайёрлансин. **Масъуллар:** Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи. **Муддати:** Доимий.
3. Институтга келиб тушган барча ҳужжатларни ўз вақтида рўйхатга олиш, уларнинг ижроси бўйича назорат карточкалари белгиланган тартибда юритилиши учун **“Ҳужжатлар назорати”** дастурий таъминоти янгилансин ва ички назорат ва мониторинг бўлимига сўнги русумдаги компьютер ўрнатилсин. **Масъуллар:** Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор. **Муддати:** Бир ой.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

4 – масала

“Ахборот ресурс марказининг иш жараёнини янада ривожлантириш мақсадида “КАРМАТ” автоматлаштирилган кутубхона тизимини ўқув жараёнига тадбиқ этиш ҳақида” ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2012 йил 6 декабр 3/2 сонли қарори

Илмий кенгаш “Ахборот ресурс марказининг иш жараёнини янада ривожлантириш мақсадида “КАРМАТ” автоматлаштирилган кутубхона тизимини ўқув жараёнига тадбиқ этиш ҳақида” ги масала юзасидан институт АРМ директори Д. Маматқулованинг ахборотини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди:

Институт АРМ нинг фонди **456916** нусхада бўлиб, шулардан **101480** нусха дарслик, **125089** ўқув қўлланма, **168590** бадиий ва илмий китоблар ва **20000** нусхага яқин хорижий ҳамда услубий мажмуалардан иборатдир.

Ахборот ресурс марказига «КАРМАТ» - Корпоратив ахборот ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизимини ўрнатиш учун шартнома имзоланиб, ҳозирда «КАРМАТ» дастурига АРМ да мавжуд китобларни киритиш ишлари олиб борилмоқда. Бу дастурнинг қулайлиги институтда етишмаётган ўқув адабиётларини тизимга уланган ҳолда Ўзбекистоннинг исталган Олийгоҳлари рўйхатидан қисқа вақтда олиб фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари Корпоратив каталоглаштириш технологиясининг мавжудлиги тайёр библиографик ёзувлардан фойдаланиб тезда ва сифатли ўз электрон каталог базасини шакллантириш имкониятини яратади;

Тизимда китобхонларга масофадан хизмат кўрсатиш технологиясини амалга оширилганлиги китобхонларнинг бевосита кутубхонага келмасдан электрон каталогдан фойдаланиб ва фойдаланмай буюртмалар бериш ва буюртмаларни қабул қилиш ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни олиш имкониятини яратади;

Тизимдаги услубий қўлланмалар фойдаланувчилар учун содда ва барчага тушунарли тилда (ўзбек ва рус тилларида) берилган;

АРМ даги мавжуд дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуаларнинг мазмуни **фанни тўлиқ қамраб олган**. Барча фанлар буйича ўқув адабиётлари Давлат таълим стандартлари ҳамда тармоқ стандартларига мос.

Юқорида таъкидланган шароитлар билан бирга ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, АРМ мавжуд компьютерлар фондга 2005 йилда келтирилганлиги ва айрим техник эҳтиёт қисмлари маънавий эскирганлиги боис институт талабалари фойдаланиши мумкин бўлган замонавий Архитектура чизмачилиги дастурларини юклай олмайди.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади :

1. “Ахборот ресурс марказининг иш жараёнини янада ривожлантириш мақсадида “КАРМАТ” автоматлаштирилган кутубхона тизимини ўқув жараёнига тадбиқ этиш ҳақида”ги масала юзасидан институт АРМ директори Д. Маматқулованинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ҳозирги кундаги ахборот ресурс маркази мавжуд китоблар «КАРМАТ» дастурига тўлиғича киритилсин. **Масъуллар:** АРМ директори. **Муддати:** 2013 йил феврал ойи.
3. Ахборот ресурс марказига қарашли ўқув зали ва электрон кутубхоналарини узлуксиз интернет тармоғи билан таъминлаш чоралари кўрилсин. **Масъуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор ва АРМ директори. **Муддати:** Ўқув йили давомида.
4. Институт талабаларига қулай шарт-шароит яратиш мақсадида АРМдаги мавжуд эски компьютерларни таъмирлансин. **Масъуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, АРМ директори. **Муддати:** Жорий йилнинг охиригача.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

Ҳар хил масалалар.

Кун тартибидаги ҳар хил масалалар бўйича сўз **Р.Т.Эшмаматовга** берилди.

I. Магистрлик диссертация мавзусини қайта тасдиқлаш.

Эшитилди :

- 201-СТКваУСТ гуруҳи магистранти **Ҳайдаров Элмуроднинг** олдин тасдиқланган магистрлик диссертацияси мавзусини **“Сув таъминоти тизимларида насосларни тадқиқ этиш”** деб ўзгартириш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилади :

201-СТКваУСТ гуруҳи магистранти **Ҳайдаров Элмуроднинг** олдин тасдиқланган магистрлик диссертацияси мавзуси **“Сув таъминоти тизимларида насосларни тадқиқ этиш”** деб тасдиқлансин.

II. Ўқув қўлланмани чоп этиш тўғрисида.

Эшитилди :

«**Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси**» кафедраси доценти **А.Т.Қўлдашев** томонидан тайёрланган **“Сиқилган стерженларни усиворликка ҳисоблаш”** номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади :

«**Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси**» кафедраси доценти **А.Т.Қўлдашев** томонидан тайёрланган **“Сиқилган стерженларни усиворликка ҳисоблаш”** номли ўқув қўлланмасини чоп этишга рухсат берилсин.

III. Услубий кўрсатмани чоп этиш тўғрисида.

Эшитилди :

«**Тилларни ўрганиш**» кафедраси доценти **Б.М.Ахмедова** ва катта ўқитувчи **М.Э.Султановалар** томонидан тайёрланган **“Wir lernen Deutsch”** номли услубий кўрсатмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади :

«**Тилларни ўрганиш**» кафедраси доценти **Б.М.Ахмедова** ва катта ўқитувчи **М.Э.Султановалар** томонидан тайёрланган **“Wir lernen Deutsch”** номли услубий кўрсатмани чоп этишга рухсат берилсин.

Эшитилди :

«Тилларни ўрганиш» кафедраси ўқитувчилари **Ф.Э.Култаева** ва **Д.М.Мамараимовлар** томонидан тайёрланган **“Topics in English”** номли услубий кўрсатмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Керакли хужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади :

«Тилларни ўрганиш» кафедраси ўқитувчилари **Ф.Э.Култаева** ва **Д.М.Мамараимовлар** томонидан тайёрланган **“Topics in English”** номли услубий кўрсатмани чоп этишга рухсат берилсин.

VI. Тарихий рисолаи чоп этиш тўғрисида.

Эшитилди :

«Социология ва иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори **Ш.Ахадов** томонидан тайёрланган **“Ҳожи Сафои Вали Ҳазратлари ҳақида”** (Маънавиятимиз даҳолари тарихидан) номли тарихий рисолаи чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Керакли хужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади :

«Социология ва иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори **Ш.Ахадов** томонидан тайёрланган **“Ҳожи Сафои Вали Ҳазратлари ҳақида”** (Маънавиятимиз даҳолари тарихидан) номли тарихий рисолаи чоп этишга рухсат берилсин.

V. Монографияни чоп этиш тўғрисида.

Эшитилди :

«Архитектура назарияси ва тарихи» кафедраси профессори **А.С.Уралов** томонидан тайёрланган **“Архитектура лечебно-целебных учреждений средневековой Центральной Азии и стран зарубежного мусульманского Востока”** номли монографияни чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Керакли хужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади :

«Архитектура назарияси ва тарихи» кафедраси профессори **А.С.Уралов** томонидан тайёрланган **“Архитектура лечебно-целебных учреждений средневековой Центральной Азии и стран зарубежного мусульманского Востока”** номли монографияни чоп этишга рухсат берилсин.

Ҳар хил масалалар бўйича **А.Н.Жабриев** ўз таклифи билан сўзга чиқди.

Биз бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар, яъни профессорлар **А.Н.Жабриев**, **А.С.Уралов** ва доцентлар **Б.С.Қаршиев**, **М.М.Махмудов**, **С.А.Аслиевлар** “Пенсия ёшидаги профессор-ўқитувчилар билан ставкада ишлаш учун меҳнат

шартномасини тузиш” Низомини ишлаб чиқдик Ушбу Низом 11 банддан иборат бўлиб, улар қуйидагилар : (Низом илова қилинади).

Низом шартлари илмий кенгаш аъзоларига таништирилди.

Ушбу таклиф юзасидан қуйидаги саволлар берилди.

1. К.Б.Ганиев - кафедра профессори.

- Низомнинг 2 бандида кўрсатилган тиббий маълумотнома кўрсатилиши шартми ?

Жавоб :

- А.Н.Жабриев жавб бердилар. Тиббий маълумотнома (лор, окулист, психиатр ва терапевт) албатта бўлиши керак.

2. С.И.Ахмедов – институт ректори.

- Бу Низом шартларига кўра Пенсия ёшидаги профессор-ўқитувчилардан канчаси 0,75 ёки тўлиқ ставкада ишлайолиши мумкин ?

Жавоб :

- Ҳозирги кунда институтимизда 87 нафар пенсия ёшидаги профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатишмоқда. Шулардан фақат ушбу Низом шартларига жавоб берадиганлари билан 0,75 ёки тўлиқ ставкада ишлаш учун меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.

Б.С.Қаршиев – кафедра муdiri в.б.

Таклиф киритдилар – Низомнинг 4 бандидаги “Ўқув-услубий мажмуа яратганлиги” бирикмаси “Ўқув-услубий мажмуа яратишдаги иштироки” ёки “Ўқув-услубий мажмуанинг мавжудлиги” деб ўзгартирилса яхши бўлар эди.

С.И.Ахмедов таклиф киритдилар.

Ушбу Низомга “Рейтинг назорати ўтказилган гуруҳларда талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи” деган 12 банд киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бошқа сўзга чиқувчилар булмади ва юқоридаги таклиф ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади :

1. Ушбу Низом кўрсатилган қўшимча ва таклифлар асосида қабул қилинсин.

2. Институт ректори С.И.Ахмедовдан нафақа ёшидаги профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини тузиш жараёнида ушбу Низомни инобатга олган ҳолда 0,5, 0,75 ва тўлиқ ставкага ишга қабул қилиши ёки ишга қабул қилмаслиги сўралсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов